



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «5» ноября

86-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлигини эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида”ги ПФ-411-сонли Фармони ва 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида”ги 458-сонли ва 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сонли қарорлари, Адлия вазирлигининг 2019 йил 14 январдаги 9/08-20474/6-сонли хати ҳамда Молия вазирлигининг 2015 йил 9 январдаги БА/31-01/1-34-11/17-сонли кўрсатмаси ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 2021 йил сентябрдаги 01/333-сонли мурожаатини инобатга олиб, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг ижтимоий соҳасини муваффақиятли бажарилиши борасида аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга мухтож якка-ёлғиз кекса қариялар, ногиронлар, сурункали касаллар, кўп фарзандли кам таъминланган оилаларга, турли табиий ва техноген офатларда жабрланганларга жамият томонидан инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш борасидаги Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг 2022 йилдаги фаолиятини

қўллаб-қувватлаш мақсадида,

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида”ги 458-сонли қарорига асосан, ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида Қизил Ярим ой жамияти Жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлиги деб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти жамғармасига хайрия тўплаш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари:

Тошкент шаҳридаги бошқармалар, ташкилотлар, корхоналар, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасаларида хайрия тўплаш ўн кунлиги давомида жамиятнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, ходимларни жамоавий аъзоликка жалб этиш ва аъзолик маркаларини тарқатиш тавсия этилсин.

4. Ташкилий қўмита аъзоларига:

жойларда хайрия тўплаш ўн кунлигини уюшқоқлик билан ўтказиш, хайрия маблағларини белгиланган тартибда Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти жамғармасига ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатилсин;

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасининг қуйи тизими ходимларини биринчи ёрдам кўрсатиш асосларига тайёрлаш бўйича шартнома (контракт) асосида ўқитилиши таъминлансин.

5. Туман ҳокимликлари:

Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва туман бўлимлари жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлигини ўтказиш юзасидан ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилсин.

6. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча бошқарма, корхона, муассаса ва ташкилотларга:

хайрия йиғиш ўн кунлигини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда жамоа розилиги асосида тўпланган маблағларни белгиланган тартибда Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлимининг ҳисоб рақамига ихтиёрий ўтказилиши тавсия этилсин.

(Х/Р: 20212000900126451001, МФО: 00407; СТИР: 200896573; ОКЭД: 94990).

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати:

мазкур фармойиш оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилиниши ҳамда амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг электрон веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

8. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Маҳмудхўжаев зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил 5 ноябрдаги
86-14-0-F/21-сон фармойишига
1-илова

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти
жамғармасига хайрия тўплаш бўйича ташкилий кўмита

ТАРКИБИ

1.	Ф.Маҳмудхўжаев	-	Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Ташкилий кўмита раиси
2.	У.Мухамедова	-	Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси, ташкилий кўмита котиби
Ташкилий кўмита аъзолари:			
3.	Лавозимга кўра	-	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари
4.	А.Джураев	-	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ раиси
5.	Р.Аминов	-	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
6.	А.Ташпулатов	-	Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи
7.	Р.Ҳайдаров	-	Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи
8.	Б.Касимов	-	Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи
9.	А.Алимов	-	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи
10.	Н.Турсунов	-	Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
11.	К.Хасанов	-	Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи
12.	Т.Рузикулов	-	Тошкент шаҳар Касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи
13.	Н.Фазилжанова	-	Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи
14.	А.Сахиев	-	Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси бошлиғи
15.	Г.Муродова	-	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
16.	Д.Бабамирзаев	-	Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси бошлиғи

17.	Б.Ташходжаев	-	Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
18.	С.Уматов	-	Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи
19.	Р.Азимов	-	“Hududgaz Ro'yxat” газ таъминоти филиали раҳбари
20.	Ф.Рустамов	-	“Ўзбектелеком” АЖ Тошкент шаҳар телефон тармоғи раҳбари
21.	М.Икрамов	-	Тошкент шаҳар Электр тармоқлари корxonаси бош директори
22.	А.Назиров	-	Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи
23.	Ш.Хаджизадаев	-	Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи
24.	Ш.Шакаров	-	Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи
25.	Ш.Ахмедов	-	“Тошшаҳарнур” ДУК директори
26.	Т.Анваров	-	“Тошиссиққуввати” ДУК директори
27.	Ж.Арашов	-	Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
28.	М.Аббосхонов	-	“Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ директори
29.	О.Мақсудов	-	Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи
30.	М.Абдурахманов	-	Муниципал активларни бошқариш маркази раҳбари
31.	М.Қудратходжаева	-	Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология осойишталик маркази раҳбари
32.	Ш.Султонов	-	“Тошкент шаҳар иссиқлик маркази” ДУК раҳбари
33.	М.Қосимов	-	“Тошкент нон” уюшмаси раиси
34.	Лавозимга кўра	-	“Махсустрас” ИЧБ раҳбари
35.	С.Орипов	-	“Ягона буюртмачи хизмати” ИК директори
36.	Э.Икрамов	-	Тошкент шаҳар Қутқарув хизмати раҳбари
37.	Т.Саидов	-	Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси бошлиғи

Изоҳ: Ташкилий қўмита аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига

тайинланган шахс лавозимига кўра, ташкилий қўмита таркибига киритилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил 5 ноябрдаги
86-14-0-F/21-сон фармойишига
2-илова

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти
жамғармасига хайрия тўплаш бўйича

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Тадбирлар режаси	Муддати	Масъул
1.	Хайрия тўплаш ўн кунлигини ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг йиғилишини ўтказиш	2021 йил, ноябрь-декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги хайрия тўплаш бўйича ташкилий кўмита
2.	Хайрия тўплаш ўн кунлигининг мақсади ва вазифалари ҳақида мурожаатнома тайёрлаш ва чоп этиш.	Хайрия йиғиш ўн кунлиги давомида	Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати
3.	Шаҳар ҳудудидаги фаолият кўрсатаётган ташкилот, муассаса, корхона, банк, бошқарма, олий таълим ўқув юртлари ва профессионал таълим муассасаларида фармойишнинг моҳиятини тушунтириш, тарғиботишларини олиб бориш ва мурожаатномаларни тарқатиш ҳамда хайрия тўплашда кўмаклашиш.	Хайрия тўплаш ўн кунлиги давомида	Ташкилий кўмита аъзолари, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ва туман ташкилотлари
4.	Шаҳардаги ҳимояга муҳтож 284 та оилаларга, кўп болалик оилаларга мурувват ёрдамини кўрсатиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ва туман ташкилотлари
5.	Хайрия тўплаш ўн кунлиги давомида барча туманларда маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш.	Хайрия тўплаш ўн кунлиги давомида	Ташкилий кўмита аъзолари, тегишли бошқармалар
6.	Оммавий ахборот воситалари орқали хайрия тўплаш ўн кунлиги тўғрисида мақолалар чоп этиш, жамият фаолиятига бағишланган давра-сухбати ва мулоқотлар ташкил этиш.	Хайрия тўплаш ўн кунлиги давомида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати бўлими, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ва туман ташкилотлари

